

**Фармацевтика тармоғининг 2023 йил якунлари ҳамда
2024 йилда амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

II. 2023 йилда эришилган натижалар.

Йил якуни билан **4,3 трлн сўмлик** фармацевтика маҳсулотлари, жумладан, **436 турдаги** янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди (ўсиш суръати 2022 йилга нисбатан **108,3 фоизни** ташкил қилди, 2022 йилда **4,1 трлн сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилган).

Маълумот учун: 3,2 трлн сўмлик дори воситалари, 814,0 млрд сўмлик тиббий буюмлар, 21,0 млрд сўмлик тиббий техникалар, 287,0 млрд сўмлик биологик фаол қўшимчалар ва доривор ўсимликлар ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, бугунги кунда республикада 82 та дори воситалари, 110 та тиббий буюм ва 35 та тиббий техника, 65 та доривор ўсимликлар, 134 та БФҚ ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда.

Маҳаллийлаштириш доирасида **3 трлн сўмлик** фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ҳамда **129,9 млн долларлик** маҳсулотлар экспорт қилинди (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати **144 фоиз**).

Маълумот учун: 12,5 млн долларлик дори воситалари, 42,6 млн долларлик тиббий буюм ва жиҳозлар, 44,2 млн долларлик доривор ўсимликлар ва биологик фаол қўшимчалар, 30,6 млн долларлик бошқа фармацевтика маҳсулотлари (гигиеник воситалар) экспорт қилинган.

Инвестиция дастурига киритилган **37 та** лойиҳа доирасида **121,1 млн доллар** маблағлар ўзлаштирилди (режа **101 фоизга** бажарилди). Шу жумладан, **53,9 млн. долларлик** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди (режа тўлиқ бажарилди).

Маълумот учун: 4 та дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхона ("Султон-мед фарм", "Бегзод-Фаррух", "Полидар фарм", "Ромфарм НС"), 6 та тиббий буюм ишлаб чиқарувчи корхоналар ("Субхон Яраш" ХК, "Хо'jaobod mahsulot xizmat" МЧЖ, "Nam sof farm" МЧЖ, "Rin-Sal" МЧЖ, "Asilbek tibbiyot mahsulotlari" МЧЖ, "Le Uat De Bukhara" МЧЖ) ишга туширилди.

Шу билан бирга, "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерининг sanoat зонасидаги **9 та** инвестиция лойиҳалари доирасида **19 млн. доллар** маблағлар ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, Кластернинг илмий-таълим таркибий қисмини (I-босқич) яратиш доирасида **Корея Эксимбанкнинг EDCF жамғармаси** линияси бўйича молиялаштириш бошланди (**2,13 млн. доллар**).

Фармацевтика тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича **GMP** (дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар) стандартига

эга бўлган корхоналар сони **40 тага** (уларнинг бозордаги улуши **85 фоиз**), **GDP** (улгуржи фаолият билан шуғулланувчи) стандартига эга бўлган улгуржи ташкилотлар сони **151 тани** ташкил этди (бозордаги улуши **65 фоиз**).

II. 2024 йилдаги вазифалар.

Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш **4,6 трлн сўмга** етказиш (ўсиш суръати **106 фоизга**);

Умумий қиймати **200 млн долларлик** маҳсулотларни экспорт қилиш (ўсиш суръати **153 фоиз**);

28 та лойиҳа доирасида **152,5 млн доллар** (ўсиш суръати **145 фоиз**) инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, **1 478 та** янги иш ўринлари яратилади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар тўлиқ **“Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”** талаблари асосида, улгуржи фаолият билан шуғулланувчи корхоналар **“Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)”** талаблари бўйича (**430 та** дистрибьюторларни сертификатлаш), шунингдек, йирик тармоқли дорихоналар **“Зарур дорихона амалиёти (GPP)”** талаблари асосида (**7700 та** дорихоналарни сертификатлаш) ташкил этилади;

III. Тармоқ олдида турган вазифалар.

1. «Паркент-фарм», «Бўстонлиқ-фарм», «Андижон-фарм», «Косонсой-фарм» ва «Зомин-фарм» ЭИЗларида амалга оширилаётган лойиҳалар хатловдан ўтказилади ҳамда бўш ерларга янги лойиҳаларни жойлаштириш чоралари кўрилади;

2. Ҳудудларда фармацевтика соҳасини ривожлантириш учун халқаро консультант ва мутахассисларни жалб этилади;

3. Кафолатли харид ва трансфер технологияларини қўллаган ҳолда йирик хорижий компанияларни жалб этиш чоралари кўрилади;

4. Маҳаллий корхоналарга халқаро стандартларни жорий этиш, янги биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва хорижий бозорларга кириб боришни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади;

5. Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан «Асакабанк» АЖга фармацевтика лойиҳаларни молиялаштириш учун **100 млн доллари** миқдоридagi кредит маблағлари ажратилади.